

ЗАНА АХБОРОТНО МАЪНАВИ

Банк ходимлари ва тадбиркорларнинг ҳафталик газетаси

ISSN 2010-6602

Сайтмига ўтиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

№50 (1177), 2018 йил 13 декабрь

Ш.МИРЗИЁЕВ: “КЎП ЙИЛЛАР ДАВОМИДА СОЛИҚ ЮКИНИНГ ЮҚОРИ БЎЛГАНИ МАМЛАКАТДА “ХУФИЁНА” ИҚТИСОДИЁТ УЛУШИНИНГ ОРТИБ КЕТИШИГА ШАРОИТ ЯРАТДИ”

“Солиқларни ҳаддан зиёд кучайтириш турли талон-торожлиқни келтириб чиқаради, душманларнинг бойишига хизмат қилади, оқибатда, давлат инқирозга учрайди”. Машҳур хитой файласуфи Сунь Цзининг ҳикматли сўзларини Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 26 йиллигига бағишланган тантанали маросимда эслатиб ўтди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари иқтисодиёт тизимидаги мавжуд аҳвол ҳақида тўхталиб, “Кўп йиллар давомида солиқ юкининг юқори бўлгани мамлакатда “хуфиёна” иқтисодиёт улушининг ортиб кетишига шароит яратди”, дея қайд этди.

“Мавжуд вазиятни ҳисобга олиб, биз авваломбор иқтисодиётни жадал ривожлантириш, мамлакатимизнинг инвестициявий жозибдорлигини ошириш учун Солиқ сиёсатини такомиллаштириш концепциясини қабул қилдик. Бу концепция устида биз узоқ ишладик. Мазкур ҳужжат лойиҳаси мамлакатимиз жамоатчилиги, бизнес ҳамжамияти, халқаро молиявий ташкилотлар, нуфузли экспертлар томонидан кенг ва атрофлича муҳокама қилинди.

Концепция асосида солиқ сиёсатида муҳим ўзгаришлар жорий қилинмоқда. Жумладан, жисмоний шахслар учун ҳозиргача амал қилиб келган энг юқори 22,5 фоизлик даромад солиғи ставка-

си ўрнига 12 фоизлик ставка белгиланди, 8 фоизлик сугурта бадала эса бекор қилинди.

Бизнес ҳамжамияти учун энг оғир ҳисобланган ягона ижтимоий тўлов ставкаси илгариги 25 фоиз ўрнига 12 фоиз этиб белгиланди.

Бюджетдан ташқари пенсия, йўл ва таълим бўйича мақсадли жамғармаларга 3,2 фоиз миқдоридаги мажбурий тўлов бекор қилинди.

Божхона тўлов ставкалари қайта кўриб чиқилиб, 3,5 мингга яқин товарлар бўйича бож миқдори ва 800 га яқин товарлар бўйича акциз солиғи ставкалари камайtirилди.

Келгуси йилдан бошлаб тадбиркорларимизни маҳсулотлар, иш ва хизматларни экспорт қилишда фойда солиғи ва ягона солиқ тўловидан озод этиш назарда тутилмоқда”, деди Президентимиз мазкур маърузасида.

ЎЗА

Ўзбекистон ўз мустақиллигини эълон қилган сандан бошлаб дунё саҳнида янги, суверен давлат сифатида намоён бўлди. Конституциямиз қабул қилинган кундан эътиборан эса мустақиллигимизнинг ҳуқуқий пойдевори яратилди.

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

Халқимизнинг кўп асрлик таъриба ва маънавий қадриятлари, бой тарихий-ҳуқуқий меросини ўзида акс эттирган Қомусимизда давлат тузилиши, ҳокимият ва бошқарув органлари тизими, уларнинг ваколати ҳамда шакллантирилиш тартиби, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, жамият ва шахснинг ўзаро муносабатлари аниқ белгилаб берилди.

Ҳатто фуқароларнинг мол-мулкка эғалик қилиш ҳуқуқлари ҳам эътибордан четда қолмаган. Зеро, Конституциямизнинг 36-моддасига биноан, ҳар бир шахс мулкдор бўлишга ҳақли. Банка кўйилган омонатлар сир тутилиши ва мерос ҳуқуқи қонун билан кафолатланган.

Жорий йилда бош Қонунимиз қабул қилинганига 26 йил тўлди. Мазкур сана муносабати билан Ўзбекистон Марказий банкида ама-

лий семинар ташкил этилди. Унда Марказий банк ходимлари, Республика маънавият ва маърифат маркази вакиллари, Ўзбекистон Фанлар академияси академиклари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Тадбирни Марказий банкнинг кадрлар билан ишлаш департаменти директори Б. Ҳамроқуллов очиб, барчани Конституциямиз қабул қилинганининг 26 йиллиги билан самимий табриклади: – Мустақиллигимизнинг дастлабки йиллариданоқ ҳуқуқий демократик давлат барпо этиш, мамлакатимизни модернизация қилиш борасида изчил ислохотлар амалга оширилмоқда. Жамиятимизнинг қайсики соҳасида муваффақиятга эришляётган бўлса, барчасининг замирида бош Қомусимизда акс этган умуммиллий ва умуминсоний ҳуқуқий меъёрлар турибди.

(Давоми 2-бетда.)

ЙИЛНИНГ “ЭНГ ШИРИН” КЎРГАЗМАСИ “АЛОҚАБАНК” БИЛАН

Қишлоқ хўжалигида етти мўъжизанинг бири бўлиши асал турли касалликларга дармон бўлиш хусусияти билан қадимдан машҳур. У нафақат фойдали ширинлик, балки малҳамдори сифатида ҳар бир ўзбек хонадониде севиб истеъмол қилинади. Шунинг учун бўлса керак, машаққатли меҳнатига қарамай, бир неча ўн йиллардан бери асаларичилик билан шуғулланаётган ҳамюртларимиз сафи ортиб бормоқда.

Президентимизнинг 2017 йил 16 октябрдаги “Республикамизда асаларичилик тармоғини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асаларичиликнинг янада ривож топишига асос бўлмоқда. Қарор ижроси ўлароқ, юртимизда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси фаолияти иш бошлаб, уни моддий қўллаб-қувватлаш, асаларичиларга имтиёзли кредитлар бериш АТ “Алоқабанк” зиммасига юклатилди. Икки йилдан бери ўтказиб



келинаётган “Асал байрами” эса асал шинавандаларини хушқабат қилиш билан бирга, асаларичиларимиз учун янгидан-янги ҳамкорлик шартномаларини тузишга имкон бермоқда.

Пойтахтимиздаги “Ўзкўрғазмасавдо” мажмуасида 1-10 декабрь кунлари АТ “Алоқабанк” ҳамда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги “Асал байрами” давомида ҳам кўплаб шартномалар имзоланди. Иккинчи бора ўтказилган мазкур кўрғазма-ярмаркада 270 дан ортиқ асаларичилик хўжаликлари иштирок этди.

(Давоми 4-бетда.)

Ҳар бир фуқаро давлат бюджети маблағларини шакллантириш ва ундан фойдаланиш жараёнида солиқ тўловчи ҳамда истеъмолчи сифатида фаол иштирок этади. Шу боисдан аҳоли давлат бюджети даромадлари қандай шаклланиши ва қай мақсадларга йўналтирилишини билишга ҳақли.

“ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ – 2019”

Молия вазирлиги томонидан давлат бюджети тўғрисида чоп этилётган “Фуқаролар учун бюджет” нашри бу борада нафақат аҳоли, балки давлат ташкилотлари ва маҳаллий ҳокимият органларига бирдек қўл келаётир. Яқинда Молия вазирлигида Нодавлат нотижорат ташкилотлари, тармоқ вазирликлари, Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси вакиллари, БМТнинг Тараққиёт дастури масъул ходимлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирокида “Фуқаролар учун бюджет–2019” ахборот нашри тақдими ўтказилиб, келгуси йилги давлат бюджети лойиҳаси ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

– Мазкур лойиҳа Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси молиявий кўмаги ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури билан ҳамкорликда тайёрланди. Мазкур нашр фуқароларимизнинг бюджет соҳасидаги саводхонлигини ошириш мақсадида ишлаб чиқилиб, унда имкон қадар иқтисодий термин ва атамалар камроқ қўлланилди. Кўпроқ инфографика ва таҳлилий кўрсаткичлардан фойда-



ланган ҳолда соддароқ бўлишига ҳаракат қилинди, – дейди Молия вазирини ўринбосари Дилшод Султонов. Унинг таъкидлашича, “Фуқаролар учун бюджет–2019” ахборот нашри тўрт асосий мавзу — ўрта муддатли бюджет мўлжаллари, солиқ ислоҳоти, 2019 йилга мўлжалланган Давлат бюджети лойиҳаси ҳамда Ўзбекистон давлат молиясини бошқариш тизимининг халқаро баҳоларидан ташкил топган.

Мазкур лойиҳа параметрлари ЯИМ ҳажмининг 5,4%га ўсиши ва инфляция кўрсаткичининг 15,5% бўлиши ҳисобидан келиб чиқиб прогноزلантирилган.

(Давоми 3-бетда.)

БАНК ЯНГИЛИКЛАРИ

МУСТАҚАЛЛИГИМИЗНИНГ
ҲУҚУҚИЙ ПОЙДЕВОРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Конституция бизга ҳуқуқий демократик давлат билан бирга кучли фуқаролик жамияти, эркин фуқаролик муносабатлари ва хусусий мулкчиликка асосланган иқтисодийни қуришда муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Амалий семинар интерактив усулда ўтиб, унда банк ходимларининг Конституциямиз ва унинг яратилиш тарихи тўғрисидаги билимлари синалди. Хусусан, Республика маънавият ва маърифат маркази мутахассиси Исломжон Гаффоров йиғилганларга Конституциянинг моҳияти, жамиятдаги ўрни ҳақида маълумот берди.

– Муқаддима, 6 бўлим ва 128 моддадан иборат Қомусимизнинг ҳам ўзига яраша яратилиш тарихи бор. У дастлаб бир неча кўринишларда ишлаб чиқилиб, халқ муҳокамасига қўйилган ва тегишли



таклиф ва тавсиялар инobatга олинган ҳолда тайёрланган. Шу боис Конституциямизда жамият учун зарур бирор масала эътибордан четда қолмаган. Жумладан, унда насл-насаби, тили, миллати, дини, жинси ва ирқидан қатъи назар, барча фуқароларнинг қонун олдида тенглигини таъминловчи модда борлигининг ўзиёқ Конституциямизнинг нечоғли умуминсоний ғояларга бойлигини кўрсатиб туради, – деди И.Гаффоров ўз сўзида.

Очиқ мулоқот ва фикрлар хилма-хиллигига бой тарзда ўтган семинарда академиклар Тўлқин Бекмуротов ва Иброҳим Искандаров рақамли иқтисодиёт, банкларда АКТларнинг қўлланилиши каби қизиқарли маърузалари билан иштирок этдилар.

Тадбир сўнггида банк ходимлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга атрофлича жавоб олдилар.

М.ПЎЛТАОВА

Шу кунларда юртимизда Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги кенг нишонланиб, барча ташкилоту идораларда Конституция кунига бағишланган турли тадбирлар ташкил этилмоқда. Ана шундай анжуман “Траст-банк” хусусий акциядорлик банкнинг Бош офисида бўлиб ўтди.

КОНСТИТУЦИЯ –
ФАРОВОНЛИК АСОСИ

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Трастбанк” етакчилар кенгаши ва Касаба уюшмаси қўмитаси ташаббуси билан уюштирилган семинар банк ёшларининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга хизмат қилди.

Тадбирда Тошкент давлат юридик университети профессори, юридик фанлар доктори Омонулла Муҳаммаджонов иштирок этиб, йиғилганларга Конституциянинг қабул қилиниши, унга киритилган ўзгартиришларнинг халқимизга тинч, обод ва фаровон ҳаёт қуришдаги иштироки мамлакатимиз обрў-эътиборини жаҳон ҳамжамиятида мустақамлаш ҳамда жамиятдаги тотувлик ва бағрикенглик учун қонуний асос бўлиб хизмат қилаётганини таъкидлади.

– Бу каби тадбирлар банк ёшларига Конституциянинг моҳияти ва аҳамиятини англайтиб, қонунга ҳурмат руҳини шакллантиради, – деди Ўзбекистон ёшлар иттифоқи “Трастбанк” етакчилар кенгашининг раиси Азиз Зияев.

Кўтаринки руҳда ўтган тадбирда банк ходимлари ва мутахассислар ўртасида фикр алмашилди.

finance.uz

ЁШЛАР ИШТИРОКИДА
ОЧИҚ МУЛОҚОТ

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 26 йиллиги, Ўзбекистон ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш ҳамда “Yoshlar – kelajagimiz” Давлат дастури ижроси доирасида “Туронбанк” АТБ пойтахтимизда 200 га яқин фаол ходимлар ва ёшлар иштирокида очиқ мулоқот ташкил этди.



“Туронбанк” АТБ Бошқаруви раиси ўринбосари А.Ташев семинарни очар экан, республикада Конституцияси мустақил давлатимиз учун нечоғлик аҳамиятли экани ҳақида сўз юритди. Шунингдек, бугунги кунда “Туронбанк” тизимида ёшларни қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар ва келгусида улар ўз қобилиятларини тўлақонли намойиш этишлари учун қилиниши лозим бўлган вазифаларга тўхталди.

Анжуман давомида Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Пул-кредит сиёсати департаменти директори Бехзод Ҳамраев 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси Пул-кредит сиёсатида қўллаётган ўзгаришлар хусусида батафсил маълумот берди.

Ўзбекистон ёшлар иттифоқи масъул ходими Алишер Саъдуллаев эса ёшларга яратиб берилаётган имкониятлар, хусусан, Ёшлар иттифоқи томонидан ёшлар манфаатларини таъминлаш, уларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида тўхталиб ўтди.

Таъкидлаш жоизки, “Туронбанк” АТБ тизимида ҳам ёшларни қўллаб-қувватлаш, уларга кенг имкониятлар яратиш борасида қўллаб иж-

бий ишлар қилинмоқда. Жумладан, жорий йил давомида молиявий муассасалар қошида ташкил этилган ўқув курсларида 130 нафар ёшлар, банк томонидан вилоятларда ўтказилаётган семинарлар давомида 600 нафардан зиёд ходимлар касбий малакаларини оширган. Шунингдек, банкда иқтидорли ва бошқарув қобилиятига эга ёшларни раҳбарлик лавозимларига тайинлаш амалиётининг кенг жорий этилгани ўз самарасини бераётди.

Тижорат банклари ўртасида ўтказилган “Энг ёш фаол банк ходими” танловининг Наманган ва Самарқанд вилоятлари босқичи совриндорлари ҳам айнан “Туронбанк” ходимлари эканлигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Семинар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази мутахассиси Ойбек Аҳмедовнинг “Конституциямиз – бахтимиз қомуסי” мавзусидаги маърузаси билан давом этди. Унинг таъкидлашича, бош Қомусимизни ишлаб чиқиш жараёнида халқаро ҳуқуқий меъёрлар кенг ўрганилиб, миллий кадриятларимиз ҳам инobatга олинган. Бу эса Конституциямизнинг халқро эк-



пертлар томонидан алоҳида эътироф этилишига сабаб бўлган.

Эл суйган санъаткор, Ўзбекистон халқ артисти Ёдгор Саъдиевнинг иштироки семинарнинг янада мазмунли ўтишига хизмат қилди. У давлатимиз томонидан ёшларга яратилаётган шарт-шароитлар ҳамда бунга жавобан юртимиз ёшлари халқаро фан олимпиадалари, спорт мусобақалари, musiқа танловларида совринли ўринларни қўлга киритаётганини фахрланиб гапирди.

Семинарнинг фахрли меҳмонлари Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Гафуров, академиклар Балташ Абдуалимов ва Бахтиёр Назаров эса ўсиб келаётган ёш авлоднинг билим ҳамда дунёқарашини шакллантиришда китобнинг аҳамиятига алоҳида урғу бериб, мунтазам китоб ўқиш ҳар бир шахс маънавий камолотида муҳим ўринга эга эканлигини таъкидлади.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган учрашувда иштирокчилар ўзларини қизиқтирган саволларини маърузачилар ва банк раҳбариятига беришиб, банкнинг янада тараққий этиши учун ўз таклифларини билдирдилар. Тадбир давомида банк ривожига муносиб ҳисса қўшган ходимлар ва семинарда фаол қатнашган ёшлар банк раҳбарияти томонидан эсдалик совғалари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланди.

Анжуманнинг иккинчи кунини иштирокчилар Тошкентнинг қадимий зиёратгоҳи “Зангиота” мажмуасини зиёрат қилиб, Ўзбекистон тарихи давлат музейи ва Темурийлар тарихи давлат музейида ҳам бўлишди. Шу билан бирга, сўнгги инновацион технологиялар асосида барпо этилаётган “Tashkent City” ва “Хумо арена” лойиҳалари ҳамда қурилиш майдонларида кетаётган бунёдкорлик ишлари билан танишдилар.

finance.uz

ИСЛОҲОТЛАР ЙЎЛИДА

ЎТГАН ЙИЛГА НИСБАТАН 2,4 МАРТА КЎП ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТЛАР АЖРАТИЛДИ

Бу ҳақда Президентимиз Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги ходимларига йўллаган табригида айтиб ўтди. Турли соҳаларда бўлгани каби аграр тармоқда ҳам дастурлар, “йўл харита”лари тайёрланиб, амалиётга жорий этилмоқда.



Жумладан, деҳқон ва фермерлар, дала ишчилари меҳнати муносиб қадрлаш ва рағбатлантириш мақсадида давлат эҳтиёжи учун харид қилинадиган пахта ва ғаллани молиялаштириш тартиби ўзгартирилди.

Хусусан, фермерлар ўз маблағларини мустақил сарфлаш ҳуқуқига эга бўлди. Бу йилги мавсумда ғалла етиштирадиган фермерларга 1 триллион 33 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 142 фоиз, пахтачилик хўжалиқларига эса 5 триллион 138 миллиард сўм ёки ўтган йилга нисбатан 2,4 марта кўп имтиёзли кредитлар ажратилгани соҳа ривожига юксак эътибор намунаси.

Соҳага агрокластер тизими жорий этилмоқда. Авваллари биз эътибор қилмаган замонавий иссиқхоналар, балиқчилик, асаларичилик, қизилмия, заъфарон етиштириш каби йўналишлар омалашмоқда. Бу эса соҳага хорижий инвесторларни жалб қилишда истиқболли тармоққа айланмоқда.

ЎЗА

ДАВЛАТ ХАРИДЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧДА

Кейинги йилларда мамлакатимизда давлат харидларининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюджет ташкилотлари ва давлат улуши бўлган корхоналар маблағларидан самарали фойдаланиш ҳамда соҳада соғлом рақобатни шакллантириш борасида қатор амалий чоралар кўриляпти. Хусусан, давлат харидлари учун махсус ахборот портали — xarid.uz ишга туширилиб, “Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси” АЖга порталнинг операторлик вазифаси юклатилди.

Эндиликда харид қилиш жараёнида электрон дўкон, электрон аукцион, танлов, тендер ва ягона етказиб берувчи давлат хариди шаклларида амалга оширилмоқда.

Пойтахтимизнинг Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги ва “Ўзбекистон Республикаси товар хомашё биржаси” АЖ томонидан “Давлат харидлари тизимида шаффофликни таъминлаш ва рақобатни кучайтириш” мавзусидаги матбуот анжуманида шу хусусида сўз юритилди.

Тадбирда таъкидланишича, xarid.uz портали айна кунда Ўзбекистон Республикасида давлат харидлари бўйича ягона ахборот ресурси ва электрон давлат харидларини амалга ошириш бўйича онлайн савдо майдончаси ҳисобланади. Ушбу платформа орқали товар етказиб берувчилар, аввало, тад-



биркорлик субъектлари онлайн режимида давлат харидлари тизимидан эркин фойдалана оладилар. Бу эса соҳада рақобат муҳитини шакллантиришга ва харидлар баҳосининг пайасишига хизмат қилмоқда.

— Янги тизимнинг асосий янгилиги давлат харидлари жараёнида электрон рақамли имзодан фойдаланиш амалиётининг қўлланилиши ва биржанинг

Ҳисоб-китоб клиринг палатаси воситасида тузилган шартномаларнинг кафолатланганлиги бўлди, — дейди Ҳисоб-китоб клиринг палатаси бўлими бошлиғи ўринбосари Жалолиддин Қўшназаров. — Жорий йилнинг май ойидан, яъни тизим ишга тушган вақтдан ноябрь ойига қадар xarid.uz порталида умумий қиймати 1,5 трлн. сўмдан ортиқ 447 мингта шартнома тузилган. Жумладан, бюджетдаги буюртмачилар 901,9 млрд. сўмга тенг 364 мингта битим, кор-

поратив буюртмачилар эса 679,7 млрд. сўмга тенг 83 мингта битимни имзолаган. Умумий ҳисобда электрон дўкон орқали тузилган шартномаларнинг қиймати 488,0 млрд. сўмни, электрон аукцион орқали 1,09 трлн. сўмни ташкил этади. Тузилган битимларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 96%дан ошганлиги эса унинг нақадар самарадорлигини билдиради.

Тизимдаги янгиликлардан яна бири Президентимизнинг “Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги қонунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига


асосан давлат харидлари бўйича электрон аукцион ўтказилиш мuddати 10 кундан 5 кунгача, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонни порталга жойлаштириш мuddати эса 30 кундан 10 кунгача қисқартирилгани бўлди.

— xarid.uz ахборот портали оператори ҳузурида Давлат харидлари соҳасидаги шикоятларни кўриб чиқиш комиссияси ташкил этилиб, Комиссия ўз ваколати доирасида ҳафтада икки марта давлат харидлари оид шикоятларни, шу жумладан, буюртмачиларнинг қонунига хилоф ҳаракатлари ёки қарорларини, шунингдек, етказиб берувчиларнинг инсофсиз ижрочиларнинг ягона реестрига киритиш каби низоли масалаларни кўриб чиқади, — дейди Электрон тижорат ва харидларни ташкиллаштириш бўлими мутахассиси Шохсанам Аметова. — Айтиш жоизки, Комиссия иш бошлагандан бери 712 шикоят кўриб чиқилиб, улардан 22 нафар етказиб берувчи инсофсиз ижрочилар (уч йилгача давлат харидлари ва биржа савдоларида иштирок этишдан маҳрум бўлишди) ягона реестрига киритилди.

Айни вақтда тизимда 50 мингдан зиёд буюртмачи ва етказиб берувчи рўйхатдан ўтказилган. Ҳар куни тизимга 8 мингдан зиёд эълон келиб тушади, 15 мингдан ортиқ талабнома қайта ишланади, 5 мингдан зиёд битим шакллантирилади.

Г.МАЛИКОВА

“ФУҚАРОЛАР УЧУН БЮДЖЕТ-2019”




(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Унга кўра, келгуси йилда Давлат бюджети даромадлари 102,6 трлн. сўмни, харажатлари 107,1 трлн. сўмни, Давлат бюджети тақчиллиги эса 4,5 трлн. сўмни ташкил этади.

2019 йилга мўлжалланган Давлат бюджети даромадлари ЯИМга нисбатан 24,2% миқдорда режалаштирилган, бу жорий йил якунлари бўйича кўтиляётганидан 37,8% кўп демакдир. Мазкур даромадларнинг ярмидан ортиғи, яъни 55,5 трлн. сўми эгри солиқлар ҳисобига ҳосил бўлади. Эгри солиқларнинг асосий тушумлари эса ҚҚС (қўшилган қиймат солиғи) ҳисобига таъминланади. Тўғри солиқлардан эса 20,7 трлн. сўм миқдорда даромад тушиши режалаштирилган бўлиб, бу Давлат бюджети умумий даромадларининг 20,1 фоизини ташкил этади.

Келгуси йилги Давлат бюджети харажатлари эса 107 118,4 млрд. сўм миқдорда бўлиши кўзда тутиляпти, бу 2018 йилда тасдиқланган параметрлардан 72%га кўп деганидир.

2019 йилда Давлат харажатларининг 54 фоизи ижтимоий, 26,5 фоизи таълим, 11,3 фоизи соғлиқни сақлаш соҳаларига йўналтирилиши режалаштириляпти. Хусусан, 2019 йилги давлат бюджети лойиҳасида бюджет ташкилотларида ишловчи ходимларнинг иш ҳақларига 53 703,7 млрд. сўм, нафақа ва бошқа ижтимоий тўловларга 5 267,2 млрд. сўм ажратилиши, шунингдек, кам ҳақ тўланадиган ишчиларнинг иш ҳақи миқдорлари ҳам оширилиши кўзда тутилган.



Бундан ташқари, келгуси йилги Давлат харажатлари таркибига бошқа қатор дастурий харажатлар ҳам киритилган. Жумладан, қишлоқларни комплекс ривожлантириш, йўл-транспорт инфратузилмалари объектларини қуриш, муҳандислик-коммуникация ва ижтимоий соҳаларни шакллантириш, қишлоқ аҳолисининг турмуш маданиятини ривожлантиришга йўналтирилган 2019 йилги “Обод қишлоқ” Давлат дастури учун 4109,7 млрд. сўм, 2017-2021 йилларда Кўп квартирали уй-жой фондини таъмирлаш, ободонлаштириш ва ундан фойдаланиш шароитларини яхшилаш дастури учун 46,4 млрд. сўм ажратилиши режалаштирилган.

Шунингдек, нашрда давлат бюджети тақчиллиги ва давлат қарзи хусусида ҳам сўз юритилиб, 2019 йилги Консолидациялашган Давлат бюджети ЯИМга нисбатан 1,8% миқдорда тақчиллик билан режалаштирилмоқда ва у республика бюджетининг йил бошидаги қолдиқ маблағлари, халқаро молия институтларининг (Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банки) қарз маблағлари, ички газначилик облигацияларини чиқариш ва инфляцияга олиб келмайдиган бошқа манбалар ҳисобига қопланиши кўзда тутилмоқда.

Прогнозларга кўра, мамлакатимизнинг келгуси йилги ташқи давлат қарзи ЯИМга нисбатан 21,8% бўлади.

Шунингдек, тақдимот давомида макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, барқарор иқтисодий ўсишга эришиш ва янги иш ўринларини ташкил этиш каби вазифаларга ҳам тўхталиб ўтилди.

МАЖБУРИЙ ТЎЛОВЛАР АҲОЛИ ТОМОНИДАН ЯГОНА ТРАНЗИТ БАНК ҲИСОБВАРАҚЛАРИГА ТЎЛНАДИ

Президентимизнинг жорий йил 22 ноябрдаги “Қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш учун тўловларни тўлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони талабларини тушунтириш мақсадида Бош прокуратура ҳузуридаги Мажбурий ижро бюроси ҳудудий бошқармалари томонидан жойларда тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Куни кеча бўлиб ўтган йиғилишда Мажбурий ижро бюроси бўлими бошлиғи М.Мирзаходжаев, Бюронинг Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи ўринбосари, ҳудудий бўлим бошлиқлари ва ходимлари, вилоят экология ва атроф-муҳитни муҳофазаси қилиш бошқармаси, “Тоza ҳудуд” давлат унитар корхонаси, экология инспекцияси мутахассислари иштирок этди.

Йиғилишда фармонга мувофиқ, 2019 йил 1 январдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун аҳоли томонидан мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тўланишини таъминлаш Мажбурий ижро бюроси томонидан амалга оширилиши ҳақида сўз юритилди.

Эндиликда Мажбурий ижро бюроси органлари 1 ойлик муддат ичида Марказий банк билан биргаликда қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ҳамда олиб чиқиш хизматлари учун тушумларнинг ҳаққоний ҳисобини ва мониторингини юритиш имконини берадиган ягона транзит банк ҳисобварақларини очади ва аҳолига ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тўловларни ягона транзит банк ҳисобварақларига тўлаш тартиби ҳақида хабардор қилиб боради.

Яна бир жиҳатга эътибор бериш лозимки, 2019 йил 1 январдан бошлаб қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар аҳоли томонидан ягона транзит банк ҳисобварақларига тўланади. Жисмоний шахслар томони-

дан чиқиндиларни олиб чиқиш хизматлари учун мажбурий тўловлар олти ойдан ортиқ тўланмаган тақдирда Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан қарздорликни ундириш тўғрисидаги аризалар судларга киритилиши айтиб ўтилди.

Яна бир шундай учрашув Сирдарё вилоятида ҳам ташкил этилди, унда Мажбурий ижро бюроси масъул ходими А. Богдасарян батафсил изоҳ берди. Шунингдек, фармонда таъкидланганидек, қаттиқ маиший чиқиндиларни тўплаш ва олиб чиқиш хизматлари учун юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан тўлов истеъмолчилар ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида тузиладиган шартномаларга мувофиқ бевосита хизмат кўрсатувчи ташкилотларга 100 фоиз олдиндан тўлаш асосида амалга оширилади.

Бухоро вилоятининг Қорақўл туманида ўтказилган учрашувда ҳам “Тоza ҳудуд” ва “Махсустанс” корхоналари мутасаддилари иштирок этди.

Тадбирда мутасаддилар Давлат экология қўмитасининг ҳудудий органлари томонидан қарздорликни ундириш тўғрисидаги аризалар судларга киритилиши, эндиликда Давлат экология қўмитаси ҳудудий органлари ҳузурида Санитар тозалаш марказлари ҳам ташкил этилиб, унинг ходимлари хар битта туман ва шаҳарларда фаолият олиб боради ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари билан ҳамкорликда ҳудудларда тизим ишларини назорат қилиш билан шуғулланишини таъкидлади.

Шунингдек, фуқароларга, атроф-муҳитимиз тозалиги ва табиий ресурсларимиз хавфсизлиги аҳолининг экология маданияти ҳамда маиший чиқиндилар учун тўловларни ўз вақтида амалга оширишимиз ҳамда фуқароларимиз ўзларининг Конституциядан бурчлари сифатида, биргина тўловни вақтида тўлаш орқали атроф-муҳит муҳофазасида ўз ҳиссаларини қўшишлари айтиб ўтилди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 сентябрдаги “Республика банк тизимини янада ривожлантириш ва барқарорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорининг ижросини таъминлаш, хорижий инвесторларга халқаро стандартларга жавоб берадиган ишончли ва ҳолис молиявий ҳисоботларни тақдим этиш ҳамда халқаро стандартлар асосида бухгалтерия ҳисобини тубдан такомиллаштириш мақсадида “Ипотека-банк” АТИБ халқаро молиявий ҳисоботлар стандартлари (ХМҲС)нинг 9-стандартини татбиқ этди.

“ИПОТЕКА-БАНК” ХАЛҚАРО СТАНДАРТЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТМОҚДА

Мазкур жараён дастлаб 2017 йилда бошланган бўлиб, лойиҳа “Ипотека-банк” АТИБ Кузатув кенгашида муҳокама қилинди. 2018 йил 13 февралдаги Банк Бошқарувининг 23-сонли қарорига асосан, ХМҲС 9-стандарт талаблари бўйича “Ипотека-банк” молиявий активлари сифатини баҳоловчи модель яратиш ишлари бошланди.

Бу жараёнда ХМҲС 9-стандарт талабларини “Ипотека-банк” АТИБ тизимида татбиқ этиш бўйича “Ипотека-банк” молиявий активларини баҳолаш методологияси ишлаб чиқилди. Методология яратишда дунёнинг “Катта тўртлик” деб аталувчи етакчи халқаро компаниялардан бири консультант сифатида жалб қилинди. Методология шу асосда яратилган моделга халқаро компаниянинг шарҳлари олиниб, у банк томонидан янада такомиллаштирилди.

Ушбу методологияга кўра, катта маълумотлар базаси яратилди ва таҳлил қилинди. Жумладан, “Ипотека-банк”нинг беш йиллик кредит портфели, барча молиявий активлари, балансдан ташқари моддалар, дебиторлик қарздорликлари ва бошқа маълумотлар таҳлил қилинди. Шунингдек, ушбу моделда Ўзбекистон Республикасининг 5 йиллик макроиқтисодий статистик маълумотлари асосида иқтисодий тенденциялар ва истиқболларнинг “Ипотека-банк” АТИБга таъсири корреляцион таҳлил қилинди.

ХМҲСнинг 9-стандартини татбиқ қилиш натижасида лозим ҳолда молиявий активларга захиралар тузиш ва “Ипотека-банк”нинг активлари қиймати халқаро стандартларга мувофиқ акс эттирилади.

finance.uz



ЙИЛНИНГ “ЭНГ ШИРИН” КЎРГАЗМАСИ “АЛОҚАБАНК” БИЛАН



(Давоми. Бошланиши 1-бетда.)

Шунингдек, “Алоқабанк” ҳамда Ўзбекистон асаларичилари уюшмаси муассислигида ташкил этилган “Алоқализинг” МЧЖ ҳам кўргазма доирасида Хитой ва Россиядан олиб келинган асбоб-ускуналар билан иштирок этиб, маҳаллий асаларичилар билан шартномалар тузишди.

— “Алоқализинг” МЧЖнинг асосий фаолияти асаларичилик субъектларига шу соҳада қўлланиладиган инвентарлар, ускуналар, жиҳозлар, махсус транспорт

воситалари ва тиркамалар, шунингдек, асални қадоқлаш бўйича замонавий технологик лизиняларни лизингга беришдан иборат, — дейди компания бош мутахассиси Азиз Нуруллаев. — Лизинг муддати 13 ойдан 60 ойгача бўлиб, “Алоқабанк” кредитлари асосида йиллик 14-16 фоиз устам ҳақи билан берилди. Фақат лизинг олувчи олаётган объектининг 30 фоизи миқдориди дастлабки тўловни амалга оширади. Кўргазма давомида асаларинини қуриш, мумдан пардасини тайёрлаш ва асал маҳсулотларини қадоқлаш каби ускуналар учун ўнлаб шартнома имзоладик.

Ўзбекистон асаларичилар уюшмаси раиси Шерали Суяркулов маълумотига кўра, бу йил асаларичиларимиз томонидан халқимизга 15 минг тоннадан ортиқ асал етказиб берилган. Кўргазма доирасида эса Хитой Халқ Республика-

сига 200 тонна, Польшага 20 тонна асал етказиш шартномаси тузилди.

Кўргазма-ярмаркада иштирок этаётган асаларичилар орасида ёш бўлишига қарамай, ўз корхонасига эгалар ҳам бор.

— Ота-бобомиз асли асалчи бўлишгани учун мактабда ўқиб юрган кезларимданоқ асаларичилик касбига меҳр қўйганман, — дейди “Жиззах махсус асалари” МЧЖ раҳбари Абдулазиз Якубов. — 2017 йили “Алоқабанк”дан олган 30 миллион сўмлик имтиёзли кредит эвазига 100 та асалари оиласи учун 2 хонали яшиқ ҳамда шунча асаларининг карпет зотлисидан сотиб олиб, асал етиштиришни йўлга қўйдим. Айни кунда асалнинг тоғ, кийик ўти, пахта, гулхайри асали каби турларини шахримиз дўконларига етказиб беряёмиз.

— Ширкатимизда айни кунда 2400 дона асаларимиз бор. Йилига ўртача 2400 тонна асал ва асал маҳсулотлари, 8 килограмм асалари сути ишлаб чиқарамиз, — дея сўхбатимизга қўшилди “Шифо” асаларичилик ширкати ходими Отабек Олимжонов. — Бугунги кунда Қозғистон, Россия, Польша давлатларига ўртача 2200 дона қадоқланган асал маҳсулотларини экспорт қилаямиз.

Асаларичиларимиз орасида банкдан

олган кредити эвазига ҳам тадбиркорлигини гуллаб-яшнатаётган, ҳам оила-сига каттагина даромад олиб қираётган ёши улуг отахонларимиз ҳам борлигини кўриб, очиги, севиндик. Улардан бири самарқандлик Орифжон ота Жумановдир. Йиллар давомида таълим соҳасида фаолият юритган отахон нафақада ҳам бекор ўтиришни ўзига эп билмади, оиласи, эли дастурхони учун асаларичилик билан шуғулланишга бел боғлади. Шу мақсадда 2016 йили “Алоқабанк”нинг Самарқанд филиалидан 40 миллион сўм миқдориди кредит олиб, эвазига 60 дона асалари, асалари тиркамаси, асалари яшиқлари ва мум тахлamlари каби барча керакли жиҳозларни сотиб олди ва иш фаолиятини бошлади. Натижа ҳам ёмон бўлмади — уч йил ичида қўрилган 210 миллион сўм даромад ҳам кредитни қоплади, ҳам оила бюджетини обод этди. Қалбидаги ёшларга касб ўргатиш қизиқиши ҳамон сўнмаган Орифжон ота бугун Булунгур туманидаги касб-хунар коллежларига бориб, устоз-шоғирд аъёнларини давом эттирган ҳолда ёшларга соҳанинг сирасорларини сабоқ бермоқда. Жорий йилда ёнига иккита шоғирд ҳам олди, яқин келажакда уларнинг етук асаларичи бўлишига умид боғлаган.

Г.МАЛИКОВА

ТАҲЛИЛ

БАНК КРЕДИТИ ҲИСОБИГА ЯНГИ МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛМОҚДА

“Трастбанк” хусусий акциядорлик банкининг “Тошкент” филиали асосий эътиборини корхоналарнинг айланма маблағларини ошириш, ишлаб чиқариш қувватларини замонавийлаштириш ва янгиликларини яратиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш каби бир қатор йўналишларга қаратмоқда.



Маълумки, мамлакатимизда таълим сифатини ошириш, баркамол авлодни шакллантириш ҳамда таълим бериш услубини юқори даражага кўтариш мақсадида ҳукуратимиз томонидан турли чора-тадбирлар кўрилмоқда. Яқиндагина қабул қилинган “Мактабга-ча таълим тизимини янада рағбатлантириш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Президент қарори

Жумладан, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолатига кўра, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш учун жами 66 млрд. сўм кредит ажратилган. Шундан тадбиркор аёлларни қўллаб-қувватлаш мақсадида 6 млрд. 900 млн. сўм, сервис соҳасини ривожлантиришга эса 18 млрд. сўмдан ортиқ маблағлар йўналтирилган. Бунинг ҳисобига 80 га яқин ёшлар иш билан таъминланган.

Шу билан бирга, мазкур филиал давлатимиз раҳбари томонидан қабул қилинаётган турли қарорлар ижросида ҳам фаол иштирок этмоқда.

ҳам мана шу ишларнинг мантиқий давоми бўлди.

Мазкур соҳадаги ислохотларнинг жадвал бориши учун тижорат банклари томонидан кенг қўллаб-қувватлаш мақсадида олиб бориладиган амалга оширилаётгани барчага маълум. Хусусан, мактабга-ча таълим нодавлат муассасаларини ташкил этиш, давлат-хусусий шерикчилиги тўғрисидаги битим объектларини қуриш, уларни реконструкция қилиш ва таъмирлаш каби лойиҳаларга банklar томонидан имтиёзли кредитлар ажратилаётгани бу борадаги ишларнинг янада самарали бўлишига олиб келмоқда.

“Трастбанк” хусусий акциядорлик



банки ҳам мазкур йўналишда қатор лойиҳаларни молиялаштириб, янги иш ўринларини ташкил этаётир.

– Президентимизнинг “Нодавлат таълим хизматлари кўрсатиш фаолиятини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига асосан, филиалимиз томонидан мактабга-ча ва умумий ўрта таълим соҳасидаги нодавлат таълим хизматларини кўрсатиш билан шуғулланадиган юридик шахсларга кредитлар ажратилмоқда, – дейди “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки “Тошкент” филиали бошқарувчиси ўринбосари Жамолддин Фахрутдинов. – Шулардан бири “Anis Premium” нодавлат таълим муассасасидир. Бино сотиб олиш ва уни таъмирлаш учун муассасача банк томонидан 6,5 млрд. сўмлик молиявий кўмак берилди. Натижада қисқа

фурсатда эски бино замонавий болалар боғчасига айлантирилди. Бугунги кунда “Al-Beruniy” номидаги халқаро мактабга-ча таълим муассасасида ўндан ортиқ ёшлар ўз фаолиятини бошлаб, жажжи болажонларга илк таълим сабоқларини бермоқда.

– Хорижий мамлакатлар тажрибаларини ўрганган ҳолда миллий менталитетга мос бўлган халқаро мактабга-ча таълим муассасасини ташкил этиш, – дейди лойиҳа менежери Шоҳиста Раҳимова. – Ўқув муассасамизда болаларнинг ҳар томонлама етук ривожланишлари учун барча шароитлар мавжуд. “Ақлли синф хоналари” дейсизми, спорт билан шуғулланиш ва ўйин майдончалари — барчаси болажонлар учун муҳайё қилинган. Албатта, бундай қулай ва замонавий боғчани ташкил этишда “Трастбанк”нинг моддий кўмаги биз учун катта ёрдам бўлди. Ўйлайманки, келгусида банк билан ҳамкорлигимизни янада кенгайтириб, янгидан-янги лойиҳаларни амалга оширамыз.

Айтиш жоизки, “Трастбанк” хусусий акциядорлик банки фаолияти давомида тадбиркор ва ишбилармонларнинг яқин таянчига айланиб улгурди. Буни банкнинг кредит маблағларидан самарали фойдаланиб, нодавлат мактабга-ча таълим муассасаларини ташкил этаётган тадбиркорлар мисолида кўриб, яна бир бор амин бўлдик.

“МИКРОКРЕДИТБАНК”: ҲАР БИР МУРОЖААТ ЭЪТИБОРДА

Кейинги йилларда юрти-мизда “Халқ давлат идоралари-рига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак” шиори остида қўллаб-қувватлаш ишлари қилинди. Айниқса, фуқаролар мурожаатига жиддий эътибор қаратилиб, кўтарилган масалаларни ўз вақтида ҳал қилиш учун барча вазирилик ташкилотларда самарали тизим яратилди.

Бу борада “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банкида ҳам ижобий ўзгаришлар бўлаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Жорий йилда банк тизимида жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларини кўриб чиқиш ва ижросини таъминлаш юзасидан қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари амалга оширилди. Бу ҳақда банкнинг Мурожаатлар билан ишлаш ва банк хизматларини мониторинг қилиш бошқармаси бошлиғи бош мутахассиси Камол Исаев шундай дейди:

– Банк ва аҳоли ўртасидаги ҳамкорликни мустаҳкамлаш мақсадида банкнинг минтақавий филиалларида фуқароларни қабул қилиш хоналари ташкил этилиб, уларнинг муаммоларини ўз жойида ҳал этишга ҳаракат қилинди. Шу билан бирга, банк Бошқаруви раисининг виртуал қабулхонаси ишга туширилгани бу борадаги ишларни янада жонлантирди.

Бугунги кунда банк Бошқарувида жисмоний ва юридик шахслардан келиб тушаётган мурожаатлар кунлик таҳлил қилиб борилмоқда. Унга

кўра, жорий йилнинг 1 ноябрь ҳолати бўйича банк Бошқарувида 3204 мурожаат келиб тушган. Бу ўтган йилга нисбатан (4075 та) 78,6%га камайганини билдиради.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси орқали жисмоний ва юридик шахслардан 2129 та, Бош прокуратуранинг виртуал қабулхонаси орқали 426 та, Бошқарув раиси виртуал қабулхонаси орқали 42 та, 346 та озғак ҳамда 261 та ёзма мурожаатлар келиб тушди. Уларнинг 1472 таси (45,6%) ижобий ҳал қилинди, 1732 таси (54,4%) бўйича амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда тушунтиришлар берилди.

2018 йил давомида Президент виртуал қабулхонасига икки мингга яқин киши кредит, пластик карта, нақд пул ва банк омонатлари, ҳисобрақамларни очиш ва конвертация қилиш каби масалалар юзасидан мурожаат қилган. Мазкур мурожаатларнинг 893 таси ижобий ҳал этилган бўлса, 1058 нафар фуқарога тушунтириш берилди. 35 нафар фуқаро мурожаати асосиз бўлгани учун рад этилди.

Шунингдек, мурожаатлар сонини камайтириш, аҳоли ва тадбиркорларга батафсил маълумот ва тушунтиришлар бериш мақсадида банк Марказий аппарати раҳбарияти, департамент директорлари ва мустақил бошқармалар бошлиқлари, ҳудудий филиаллар раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан ҳудудларда сайёр қабуллар ташкил этилмоқда. Жумладан, жорий йилда ҳудудларда банк

Бошқаруви раиси ва Бошқарув раиси ўринбосарлари томонидан 40 дан ортиқ сайёр қабуллар ташкил этилиб, уч юзга яқин аҳоли ва тадбиркорларнинг мурожаатлари ўз вақтида ечим топди.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, тизимдаги айрим раҳбар ва ходимлар аҳоли мурожаатларига бевътибор бўлгани боис, уларга нисбатан интизомий чоралар кўрилди. Жумладан, жорий йилнинг ўтган даври мобайнида мурожаатларни ўз вақтида кўриб чиқиш ва уларда қайд этилган масалалар ижросини жойида узил-кесил ҳал этилишини таъминламаган ҳамда мурожаатлар ортишига йўл қўйган масъул ходимларга нисбатан ҳайфсан берилиб, жаримага тортилди. 52 та минтақавий ва туман филиаллари раҳбарларидан 37 нафарига ҳайфсан берилиб, 15 нафарига нисбатан ўртача ойлик иш ҳақидан жарима ундирилди.

Бундан хулоса қилиш мумкинки, “Микрокредитбанк” акциядорлик-тижорат банки ҳар бир мурожаат ортида инсон тақдири борлигини жиддий англаган ҳолда уларнинг ҳеч бирини эътиборсиз қолдиргани йўқ. Бу борадаги ишлар тизимда бундан кейин ҳам давом этиб, мурожаатларни қонун доирасида ўз вақтида кўриб чиқиш, уларга талаб даражасида жавоб қайтариш бўйича зарурий тадбирлар амалга оширилади. Энг асосийси, банк имкон борича аҳоли ўртасида тушунмовчиликлар, турли муаммолар юзга келмаслиги учун барча чора-тадбирларни кўради.

Шу йилнинг 5 декабрида Халқаро молия корпорациясининг навбатдаги миллий валютада ифодаланган “Самарқанд” облигациялари Лондон фонд биржасига (London Stock Exchange) жойлаштирилди. Бу ҳақда Ўзбекистон Марказий банки ахборот хизмати хабар берди.

МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДА ИФОДАЛАНГАН “САМАРҚАНД” ОБЛИГАЦИЯЛАРИ ЛОНДОН ФОНД БИРЖАСИГА ЖОЙЛАШТИРИЛДИ



Муддати 1 йил бўлган облигацияларнинг умумий қиймати – 123 млрд. сўм, фоиз ставкаси эса 9,45%ни ташкил этади.

Облигацияларни жойлаштиришдан олинган маблағлар “Ипак Йўли” акциядорлик инновация тижорат банки томонидан кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилади.

Бундан олдин Халқаро молия корпорацияси Лондон фонд биржасида уч марта – муддати 2 йил, умумий қиймати 240 млрд. сўм бўлган “Самарқанд” облигацияларини 9,45%–9,5% ставкалари билан жойлаштирган эди. Олинган маблағлар “Ҳамкорбанк” акциядорлик-тижорат банкининг кичик бизнес субъектлари лойиҳаларини молиялаштириш имкониятларини кенгайтиришга қаратилган.

“ЎЗМИЛЛИЙБАНК” ЯПОНИЯ БАНКИ БИЛАН ШАРТНОМА ИМЗОЛАДИ

Мамлакатимизда телекоммуникация тармоқлари ва ахборот-коммуникация инфраструктурасини ривожлантириш мақсадида “Магистрал ва кўп тармоқли маълумотлар узатиш тармоғини кенгайтириш” ва “IMS технологиясидан фойдаланган ҳолда коммуникация марказларини модернизация қилиш” каби лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Мазкур лойиҳаларнинг асосий пудратчиси Япония компаниялари ҳисобланади. Шундан келиб чиқиб, “Ўзмиллийбанк” Япония молия муассасалари билан ҳамкорликни кенг



йўлга қўймоқда. Жумладан, яқинда “Ўзмиллийбанк”нинг бош биносида Япониянинг Sumitomo Mitsui Banking Corporation (SMBC) билан умумий қиймати 100 млн. АҚШ долларлик ҳамкорлик шартномаси имзоланди.

Шартнома SMBC банки фаолият олиб борадиган мамлакатлардан экспорт-кредит агентликлари сугурта қопламаси асосида, савдо ва юқори технологик ускуналар ва хизматларни етказиб беришни кўзда тутувчи лойиҳаларни молиялаштиришни ўз ичига олади.

Мазкур шартнома SMBC миқозларига Ўзбекистон Республикасида амалга оширилаётган инвестицион лойиҳаларда “Ўзмиллийбанк” билан биргаликда иштирок этиш имконини беради.

Шунингдек, томонлар япон иенасида клиринг ва ҳисобкитобларни амалга ошириш, синдиқатлашган лойиҳаларни молиялаш ҳамда техник кўмак кўрсатиш ва ўзаро тажриба алмашиш борасида ҳамкорликни янада ривожлантириш бўйича келишувга эришди.

finance.uz

FINANCEUZ хабар қилади

“ИККИ БАРОБАР ФОЙДА”

“Ўзмиллийбанк” Янги йил совғаси сифатида “Икки баробар фойда” янги омонат турини таклиф этади. Жорий йилнинг 5 декабридан 2019 йилнинг 15 январигача ушбу омонат бўйича Тошкент шаҳрида акция ҳам ўтказилмоқда.

Унга кўра, акцияда иштирок этганлар ҳам йиллик 19% даромадга, ҳам махсус совға — Mediapark тармоғи дўконларидаги маиший техника учун 3 миллион сўмгача бўлган совға картасига эга бўлади.

Эслатиб ўтамиз, совға картасининг пул миқдори депозит миқдорига боғлиқ. Яъни омонат маблағи 20 млн.дан 50 млн. сўмгача бўлса, 300 минг сўмлик совға картасига, 50 млн.дан юқори ва 100 млн. сўмгача бўлса, 800 минг сўмлик совға картасига эга бўлади. 3 млн. сўмлик совға картасини қўлга киритиш учун эса 500 млн. сўмдан юқори бўлган пул маблағини омонатга қўйиш талаб этилади.

“ЯНГИ ЙИЛ СОВҒАСИ”

АТ “Алоқабанк” ҳам ўз миқозларини байрамона кайфият билан хушнуд этиш ниятида. Шу сабабли банк томонидан йиллик фойиз ставкаси 19% бўлган “Янги йил совғаси” номли янги онлайн омонат тури тақдим этилмоқда. 36 ой муддатгача амал қилувчи мазкур депозитнинг энг кам миқдори 100 минг сўмни ташкил этади. Тўлов ва ҳисобни тўлдириш қобейджинг карталари орқали амалга оширилади.

Дарвоқе, ушбу омонат “AloqaMobile” мобил иловаси орқали расмийлаштирилиб, уни исталган пайтда тўлдириш ёки сарфлаш мумкин. Бунда фойизлар қолдиқ баланс бўйича ҳисобланади.

ЯНА БИР ҚУЛАЙЛИК

АТ “Қишлоқ қурилиш банк” миқозларга қулайлик яратиш мақсадида кўрсатилаётган хизматлар таърифини доимий равишда мақбуллаштириб бормоқда.

Хусусан, банкда VISA CLASSIC халқаро пластик картасини очишда ҳисобвараққа қўйиладиган бошланғич маблағнинг энг кам миқдори 50 АҚШ долларидан 10 АҚШ долларига туширилди.

Банк келгусида миқозлари учун янада кўпроқ қулайликлар яратишни кўзда тутган.

“ТУРОНБАНК” ДАН ОНЛАЙН МИКРОҚАРЗ

“Туронбанк” замонавий ва қулай хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида қайтаришлилик, тўловлилик ва муддатлилик шартлари асосида “Туронбанк” АТБ тизимида иш ҳақиқа очилган банк пластик картасига эга бўлган жисмоний шахсларга “Онлайн” микроқарз беришни жорий этди.

Микроқарз нақд пулсиз кўринишда банк картасига ўтказиш йўли билан “MyTuron” иловаси орқали миллий валютада 3 ойгача бўлган муддатга дастурлашган скоринг таҳлил асосида ажратилади.

Асосийси, унда бирор қоғоз ҳужжат талаб этилмайди, кредитни мақсадли ишлаши ҳам сўралмайди. Кредитни ажратиш борасида қарор қабул қилинишида инсон омили мавжуд эмас.

QISHLOQQURILISHBANK

Барча юртдошларимизни
Ўзбекистон Республикаси

Конституцияси
қабул қилинганининг
26 йиллиги
билан самимий
муборакбод этамиз.



ФУРСАТДАН ФОЙДАЛАНИБ, МИЛЛИЙ ВАЛЮТАДАГИ ҚУЙИДАГИ ЯНГИ ОМОНАТ ТУРЛАРИНИ ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

“Инсон манфаати” –

омонат муддати – 13 ойдан 25 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 18 %.

“Келажак бунёдкори” –

омонат муддати – 25 ойдан 36 ойгача,
фоиз ставкаси йиллик 20 %.

Ушбу омонатларга ҳисобланган фойизлар ҳар ойда тўлаб борилади.

Сизнинг омонатларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади.

“Қишлоққурилишбанк” – фаровон ҳаётингиз хизматида!

(+99871) 150-72-58, 150-93-39

www.qqb.uz

Хизматлар лицензияланган

БАНК ВА МИЖОЗ

“ДЎСТЛИК” МИНИ-БАНКИДАН ЯНГИ ИМКОНИЯТЛАР



“ASIA ALLIANCE BANK” АТБ пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига қулайлик яратиш мақсадида “Халқлар дўстлиги” санъат саройи рўпарасида “Дўстлик” мини-банкини ишга туширди.

Мини-банкнинг қулай жойлашуви аҳоли учун айна мўддао бўлди. Чунки улар банк хизматларидан тўлиқ фойдаланиши билан бирга мини-банк ёнида кечаю-кундуз ишлайдиган сўм ва хори-

жий валюта банкоматларидан исталган вақтда нақд пул ечиб олишлари мумкин.

Мини-банкда хорижий валютани айирбошлаш, коммунал ва бошқа тўловларни амалга ошириш имкони

хам мавжуд бўлиб, тадбиркорларнинг ҳисобварақлари оптимал тарифлар асосида хизмат кўрсатилиши кафолатланган. Шунингдек, “Дўстлик” мини-банкида жисмоний шахслар дунёнинг барча давлатларига тезкор пул ўтказмаларини амалга ошириши, миллий ва хорижий валютада пластик карталарни очиши ва ўз маблағларини банк депозитларига жойлаштиришлари мумкин.

Мини-банкнинг яна бир қулайлиги янги маиший техника буюмларини, мебелларни харид қилиш, даволаниш, саёҳат қилиш, тўй ва бошқа маросимларни ўтказиш ёки уй-жойни таъмирлаш учун истеъмол кредитлари, шунингдек, нақд пул ва нақдсиз пул шаклида микрокредитлар (20 270 000 сўм миқдоригача) тақлиф этади. Қолаверса, “Дўстлик” мини-банкида автомашинани харид қилиш учун мақбул шартлар асосида автокредит ҳам расмийлаштирилади.

finance.uz

8 *Декабрь*

Ўзбекистон Республикаси
Конституцияси куни

**«Туронбанк» акциядорлик тижорат банки
жамоаси халқимизни Ўзбекистон Республикаси
Конституциясининг 26 йиллиги байрами билан
самимий муборакбод этади!**

**Ватанимиз равнақи йўлида амалга ошираётган эзгу
ишларингизда омадлар тилайди! Юртимизни
тинчлик, қалбларимизни шукроналик туйғулари
асло тарк этмасин!**

**Тинчлигимиз барқарор,
ҳаётимиз фаровон бўлсин!**



www.turonbank.uz

Хизматлар лицензияланган

“ҲАМКОРБАНК” ДАН ИННОВАЦИЯ

ХАТБ “Ҳамкорбанк” Hamkor Mobile иловаси орқали бир зумда расмийлаштириш мумкин бўлган янги VISA Virtual картасини тақдим этмоқда.




VISA картасини расмийлаштириш учун банк офисига бориш шарт эмас, банк мобиль иловасига боғланган ҳолда “Ҳамкорбанк” сўм картасига эга бўлиш кифоя. Картани ҳеч қандай ҳужжатсиз, илова орқали расмийлаштириш мумкин. Интернет харидлар учун жуда қулай бўлган мазкур картани атиги 10 минг сўм эвазига расмийлаштириш ва очилган заҳоти нундан фойдаланиш мумкин. Картанинг минимал қолдиғи 5 АҚШ доллари бўлиши талаб этилади.

Шунингдек, VISA Virtual картаси ёрдамида онлайн омонатни ҳам расмийлаштириш ва “Ҳамкорбанк” хорижий карталари ўртасида маблағларни ўтказиш имконияти мавжуд.

Виртуал карта эгасига айланиши хоҳловчилар даставвал банкнинг сўм картасини расмийлаштиришлари, сўнг Hamkor Mobile иловасидан рўйхатдан ўтган ҳолда “Менинг карталарим” бўлимига киришлари керак. Ушбу бўлимдан эса “VISA Virtual картасини расмийлаштириш” бандини танлаб, расмийлаштириш тўловини амалга оширишлари мумкин. Бунда виртуал карта бир неча сония ичида миждо иловасига боғланади.

Эслатиб ўтамиз, VISA Virtual картасини тўлдириш “Ҳамкорбанк” сўм картасидан виртуал картага мобиль илова орқали конверсия амалиёти ёрдамида амалга оширилади.

Банк ахборот хизмати



Янги меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тақдим этамиз

ПИЛЛАЧИЛИК ТАРМОҒИ РИВОЖЛАНТИРИЛАДИ

Республикада пиллачилик тармоғини жадал ривожлантиришни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент қарори қабул қилинди.

Қарор билан:

- 2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан томорқа ерларида (аҳоли хонадонларида) тут кўчатлари экишни ва парранда боқишни ташкил этишнинг мақсадли прогноз параметрлари;

- 2019–2021 йилларда пиллачилик тармоғи ташкилотлари томонидан парранда парваришlash иншоотларини қуришнинг мақсадли прогноз параметрлари тасдиқланди.

Қарорга мувофиқ, 2019 йилдан бошлаб “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотларнинг пилла ҳосили учун контрактация шартномаларида белгиланган миқдорлардан ортиқча пилла топширилганида, 5 килограммга ортиқча пилла ҳосили харид нарҳига нисбатан 15 фоиз, 5 килограмдан юқори бўлган қисмига – 25 фоиз миқдорда устама тўлаш тизими жорий этилади.

Бундан ташқари, 2019–2021 йилларда ажратилган банк кредитлари фоиз харажатларини қоплаш учун Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси ҳисобидан тижорат банклари томонидан белгиланган кредит ставкасининг 50 фоизи, бироқ 10 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорда

компенсация тақдим этиш тартиби ўрнатилди.

Шунингдек, қарор билан “Ўзбекипаксаноат” уюшмаси таркибига кирувчи ташкилотлар 2023 йил 1 январга қадар мол-мулк ва ер солиқларини тўлашдан озод этилди.

2019–2020 ўқув йилидан бошлаб тармоқ ташкилотлари ходимларини ихтисослашган олий таълим муассасаларидаги “Ипакчилик ва тутчилик” таълим йўналиши бўйича сиртки бўлимларга белгиланган қабул квоталаридан ташқари тўлов-контракт асосида тест синовларисиз қабул қилиш тартиби жорий этилади. Бунда олий таълим муассасаларига қабул:

- ходимнинг умумий ўрта ёки ўрта махсус, касб-ҳуна маълумоти ва тармоқ ташкилотларида камида 3 йил амалий иш стажига эга бўлиши;

- контракт тўлови тармоқ ташкилоти томонидан қафолатланган ҳолда амалга оширилиши ва ходим – битирувчининг ўқишни тамомлаганидан сўнг 5 йил давомида тармоқ ташкилотда ишлаб бериши шarti билан амалга оширилади.

Шунингдек, 2019 йилдан бошлаб ҳар йили Халқаро ипакчилик форуми ҳамда “Ипак ва Мода” (“Silk & Fashion”) халқаро ипакчилик кўргазмаси ташкил қилинади.

Ҳукумат қарори билан Автомобиль транспортида йўловчиларни ҳамда юкларни шаҳарда, шаҳар атрофида, шаҳарлараро ва халқаро йўналишлар бўйича ташиш фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низом тасдиқланди.

АВТОМОБИЛДА ЙЎЛОВЧИ ВА ЮК ТАШИШ ЭЛЕКТРОН РАСМИЙЛАШТИРИЛАДИ



Қарорга кўра 2019 йил 1 апрелдан бошлаб лицензия ва лицензия картчаларини электрон шаклда расмийлаштириш тизими жорий этилади.

Лицензия чекланмаган муддатга берилди.

Бунда лицензия талабгорининг аризасига кўра умуман фаолият турига ёки унинг қисмларига берилди.

Йўловчиларни ташиш бўйича:

- шаҳарда автобусларда;
- шаҳарда микроавтобусларда;
- шаҳарда энгил автомобилларда;
- шаҳар атрофида автобусларда;
- шаҳар атрофида микроавтобусларда;

- шаҳар атрофида энгил автомобилларда;

- шаҳарлараро йўналишлар бўйича автобусларда;

- шаҳарлараро йўналишлар бўйича микроавтобусларда;

- шаҳарлараро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда;



- халқаро йўналишлар бўйича автобусларда;

- халқаро йўналишлар бўйича микроавтобусларда;

- халқаро йўналишлар бўйича энгил автомобилларда.

Юкларни ташишда:

- автомобиль транспортида шаҳарда ва шаҳар атрофида;

- автомобиль транспортида шаҳарлараро йўналишлар бўйича;

- автомобиль транспортида халқаро йўналишлар бўйича.

Ўзбекистон автомобиль транспорти агентлиги Ўзбекистон Республикасида йўловчи ва юкларни халқаро ташишга оид, Агентликнинг ҳудудий бошқармалари эса шаҳар, шаҳар атрофи, шаҳарлараро йўловчи ва юкларни ташишга оид лицензия бериш, унинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тўхтатиш, шунингдек, уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш тўғрисида қарор қабул қилиш ваколатига эга.

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ТИЗИМИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тўғрисидаги Президент Фармони қабул қилинди.

Фармонга мувофиқ, қуйидагилар соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишлари деб белгиланди:

- соғлиқни сақлаш соҳасидаги миллий қонунчиликни уни унификациялаш ҳамда тиббий хизмат сифатини ошириш ва беморлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, тиббиёт ходимларининг масъулияти ва ҳимояланганлигини кучайтиришга қаратилган тўғридан-тўғри таъсир қилувчи қонунларни қабул қилиш орқали такомиллаштириш;

- жаҳон стандартлари асосида меънежмент ва тиббий хизматлар сифатини бошқаришнинг энг намунали амалиётларини жорий этишни таъминлайдиган замонавий бошқарув тизимини ва ҳудудларда соғлиқни сақлашни ташкил этишнинг “кластер” моделини шакллантириш, тиббиёт ва фармацевтика муассасаларини аккредита-



ция қилиш, шифокорлик ва фармацевтика фаолиятини лицензиялаш тизимини жорий этиш;

- тиббиёт соҳасини молиялаштириш тизимини такомиллаштириш, давлат томонидан қафолатланган бепул тиббий ёрдам ҳажмини белгилаш, тиббий хизматлар учун клиник-харажат гуруҳлари бўйича “ҳар бир даволанган ҳолат” учун тўлаш тизимини ҳамда киши бошига молиялаштиришнинг янги механизмларини жорий этиш, шунингдек, мажбурий тиббий сугуртани босқичма-босқич жорий этиш;

- тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис

қийиш ва даволашнинг юқори технологик усулларини жорий этиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш;

- тиббий генетикани, аёллар ва болаларга шошилиш ва ихтисослашган тиббий ёрдамни ривожлантириш асосида, замонавий скрининг дастурларини жорий этиш, “Она ва бола” ҳудудий кўп тармоқли тиббиёт мажмуалари ва маълумотлар тизимларини шакллантириш асосида оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш;

- хусусий соғлиқни сақлаш тизими, давлат-хусусий шериклигини ва тиббий ёрдамни ривожлантириш, соғлиқни сақлаш соҳасига инвестицияларни кенг жалб этиш учун қулай шарт-шароитлар яратиш ва рақобат муҳитини яхшилаш;

- фармацевтика тармоғини янада ривожлантириш, нарх шаклланиши механизмларини такомиллашти-

риш, дори воситалари, тиббий техника ва буюмлар ишлаб чиқариш ҳажми ва турларини кенгайтириш;

- тиббий кадрларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини шакллантириш, тиббиёт фанини ривожлантириш, шу жумладан, тиббиёт илмий ва таълим муассасаларини халқаро стандартлар бўйича сертификатлаштириш (аккредитациядан ўтказиш) замонавий таълим дастурлари, усул ва технологияларини жорий этиш асосида;

- “электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш.

Фармон билан қуйидагилар тасдиқланди:

- 2019–2025 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепцияси;

- 2019–2021 йилларда Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш концепциясини амалга ошириш чора-тадбирлари дастури.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли амалга оширилиши учун шахсан жавобгар экани белгилаб қўйилди.

ДУНЁГА НИГОҲ

Morgan Stanley ҳисоб-китобига кўра, келгуси йилда Хитой облигациялари бозорига кириб келадиган қирим тахминан 80 миллиард АҚШ долларини ташкил қилиши мумкин.

MORGAN STANLEY БАШОРАТЛАРИ



Bloomberg маълумотида кўра, Morgan Stanley таҳлилчилари Мин Даи ва Чун Хим Чунлар ўз ҳисоботида хорижий сармоядорларнинг Хитой давлат облигацияларига бўлган талаби келаси йилда жорий ҳисобрақамдаги тақчилликни молиялаштиришга ёрдам бериши ва юаннинг мавқени барқарорлаштиришига умид боғлаган.

Аввалроқ, Bloomberg LP Хитойнинг юандаги облигацияларини Bloomberg Barclays Global Aggregate Indexнинг апрелдаги рўйхатида киритиш ниятида эди. Агар облигацияларнинг икки бошқа индекслари белгиланган меъёрларга тўғри келса, бозорда яқин истиқболда 140 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi тушум кириб келиши мумкин.


Ўтган ойда хорижий сармоядор-

лар Хитой облигациялари учун киритган сармоя ҳажми 2017 йил февралдан бошлаб илк марта қискарди. Айни пайтда юаннинг мавқеи тикланиб, давлат қарзидан тушган даромад ноябрь ойида камайди.

Хитой облигациялар бозори билан S&P Global қизиқиб қолган. S&P Globalнинг молиявий директори Эуот Стинберген сентябрь ойида таъкидлаганидек, айни пайт Хитойга сармоя киритиш учун энг қулай пайт, сабаби Осиёнинг йирим мамлакатларидан бири кредит рейтинг агентликларида йўналтирилган хорижий сармоялар учун чекловларни олиб ташлади. Компаниянинг облигациялар бозорида рейтинг хизматлари кўрсатиш режасига аниқлик киритиш асносида Стинберген Хитойда янги корхона очиб мумкинлиги ҳақида сўз юритди.

БАНКЛАР ЛОНДОНДАН ЎЗ БИЗНЕСИНИ КЎЧИРМОҚЧИ

Буюк Британиянинг Европа Иттифоқи (ЕИ) таркибидан чиқиб кетиши мавҳумлигича қолаётган бир пайтда кўп халқаро банклар ҳар қандай вазиятда ҳам мижозларга кафолатланган хизмат кўрсатиш мақсадида ЕИда ўз филиалларини очишни режалаштирмоқда.



Жумладан, Brexit туфайли мижозларга хизмат кўрсатишда қийинчилик туғдирмаслик учун 14 та банк аллақачон "хавфсизлик камарини тақиб" олган. Хусусан, Bank of Americanнинг Лондондаги филиали Ирландияники билан бирлашди. Келаси йилда 400 га яқин ишчи ўрни Лондондан ЕИга, хусусан Парижга ўтказилади. Barclays ҳам Brexitга тайёргарлик кўриш асносида 200 га яқин ишчи ўрнини бошқа давлатга кўчирадиган бўлди. Жорий йил июль ойида банкнинг 50 нафар ишчилари Франкфуртга ўтказилганди. Бироқ айни пайтда банкнинг аксарият қисми Буюк Британияда сақланиб қолмоқда.


BNP Paribas ҳам 90 нафар ишчисини кўчиради. Citigroup Франкфуртдаги амалиётларини мустақамлаш ниятида. Бундан ташқари, Америка банки турли бозорларга лицензияга эга бўлишга

ариза бериб қўйган. Унга Франциядан раҳбар тайинлади ва ўз филиалини Люксембургда ташкил этди.

The Financial Times нашрида ёзилишича, банк Парижда кенгроқ идора излаётган эди. Credit Suisse Brexitдан сўнг Мадридга кўчиши кутилмоқда. Банк 50 нафар ишчини Германияга, яна 50 нафарини Мадрид ва 150 нафарини бошқа давлатларга ўтказадиган бўлди.

Deutsche Bank 600 миллиард евролик активларининг қарийб тўртдан уч қисмини Лондондан Франкфуртга кўчирадиган бўлди. Goldman Sachs ҳам Франкфуртга кўчириладиган ишчи ўрнини кўпайтирмоқчи. Буюк Британия ЕИ таркибидан чиқиб кетишидан сўнг банкнинг асосий марказлари Париж ва Франкфуртда жойлашади, қайси шаҳарда ишлаши эса ходимларнинг ўзлари ҳал қилади.

СМАРТФОНЛАР САВДОСИ АЙНИ АВЖИДА



Жаҳон бўйича смартфонларни сотиш ҳажми 2018 йил III чорақда ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1,4 фоизга ортди ва 389 миллион донани ташкил этди. Gartner тадқиқот компанияси берган маълумотга кўра, Хитойдаги смартфонлар ишлаб чиқарувчи компаниялардан бири Huawei сотган маҳсулотлар 43 фоизга ўсиди ва жаҳон бўйича Appledan кейинги иккинчи ўринни эгаллади. Компания июль-сентябрь ойларида 52,2 миллионта смартфон сотган, айни шу даврда Apple 45,7 миллион донани сотган эди.

Xiaomi эса асосий рақобатчиси OPPOдан ўзиб кетди ва тўртинчи поғонага чиқиб олди. Аввалги улуши 7,5 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунда бу кўрсаткич 8,5 фоизга тенг бўлди ва 33,2 миллион донани маҳсулотни сотишга эришди.

— 2018 йил учинчи чорақда Хитойнинг смартфон ишлаб чиқариш бўйича етакчи компаниялари самовлаёнаётган мамлакатлардаги савдони арзон нархлар, сифатли камера ва кенг ўлчамли дисплейли смартфонлари ҳисобига яхшилаб олди, — дейди Gartnerнинг тадқиқотчиси бўлими директори Аншул Гупта.

Айни пайтда бозорда етакчиликни қўлдан бой бермаётган Жанубий Кореянинг Samsung компанияси учинчи чорақда аввалги даврга нисбатан 14 фоиз кам смартфонларни сота олган. Ушбу даврда 73,36 миллион донани смартфонларни мижозларга етказишга олган компания тарихида энг паст кўрсаткични қайд этган. Унинг бозордаги улуши 22,3 фоиздан 18,9 фоизга тушиб қолди.

Япония Банки раҳбари Харухико Курода яқин келажакда фоиз ставкалар ошмаслигига ишора қилди. Куроданинг парламентдаги чиқишида таъкидланишича, Марказий банк барқарор инфляция даражаси ва иқтисодий башорат бўйича таваккалчиликларни инобатга олган ҳолда ўсиш суръатини қўллаб қувватлаш мақсадида кенг миқёсдаги рағбатлантириш дастурини жорий этиши керак.

ЯПОНИЯ БАНКИ ЮМШОҚ ПУЛ-КРЕДИТ СИЁСАТИНИ ЮРИТИШДА ДАВОМ ЭТАДИ

"Япония иқтисодиётидаги таваккалчиликлар иқтисоднинг сулғашуши эҳтимолини ҳам назарда тутмоқда. Бундай пайтда фоиз ставкаларини ошириш инфляция бўйича эришилган натижага даҳл қилиши мумкин", деди Банк раҳбари ўз ҳисоботида.

Айрим бозор иштирокчилари таъкидлаганидек, Марказий банкда иқтисодиётни рағбатлантириш чоралари якунига етди. Бироқ

Курода Япония банкнинг юмшоқ пул-кредит сиёсати ўзининг якуний натижасини ҳали бермаганини қайд этди.

Япония ЯИМнинг III чорақдаги кўрсаткичи ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 1,2 фоиз қисқарган. Учинчи чорақдаги иқтисодий сулғашуш вақтинча бўлиши мумкин, сабаби табиий офатлар оқибатида юзага келган салбий вазият тез орада ўнгланиб кетади.

FITCH ЖАҲОН ИҚТИСОДИЁТИ ЎСИШИГА ОИД МАЪЛУМОТНИ ЯНГИЛАДИ

қилиши мумкин", дейилади Fitch агентлиги бош иқтисодчиси Брайан Култоннинг баённомасида. Унинг фикрига кўра, иқтисодиётда сулғашуш ҳолати айниқса евроҳудудга тегишли бўлади.

Евроҳудуд ЯИМ кўрсаткичи жорий йилда 1,9 фоиз, келгуси йилда 1,7 фоиз бўлиши кутилмоқда. Аввалроқ бу кўрсаткичлар 2 ва 1,8 фоиз бўлиши тахмин қилинганди. Хитой иқтисодиётига доир башоратлар ўзгармади, бироқ "аввал қайд этилган секинлашув кузатилаётган", дейди агентлик таҳлилчиси.

Fitch фикрига кўра, ЕМБ фоиз ставкасини 2020 йилга қадар оширишдан ўзини тияди, АҚШ ФЭТ эса 2019 йилда ставкани уч қарра ошириши мумкин. Айни пайтда АҚШ ЯИМ кўрсаткичи жорий йилда 3 фоиз ўсади, келгуси йилда суръат биров секинлашиши тахмин қилинмоқда.



Агентлик 2019 йилда жаҳон бўйича иқтисодий ўсиш суръати 3,1 фоиз, 2020 йилда 3 фоизга етишини тахмин қилди.

Fitch халқаро рейтинг агентлигининг декабрь ойидаги башоратига кўра, жорий йилда жаҳон иқтисодиёти 3,3 фоизга ўсиши мумкинлигини таъкидламоқда.

"Жаҳон иқтисодиёти жадал суръатларда ўсиб бормоқда, бироқ халқаро ҳаётда юз бераётган айрим кўнгилсизликлар мазкур ўсишга даҳл

СТАТИСТИКА

Республика товар-хонаш биржасида
2018 йил 3 декабрдан 7 декабргача бўлган
биржа (ички бозор) маҳсулотларининг котировкаси

Маҳсулотларнинг номи	Жорий котировка* (сўмда тоннаси учун)	Нархлардаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
Соса-Cola 1,5L қадоқланган 12 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	▼	-342	-1,0%
Fanta Apelsin 1,5L қадоқланган по 6 ПЭТ 1,5л (дона)	34 212	▼	-342	-1,0%
Автобензин АИ-80	4 259 358	▼	-89 549	-2,1%
Автобензин АИ-91	5 871 407	▼	-972 695	-14,2%
Автобензин АИ-95	9 120 000	—	0	0%
Азот-фосфорли калий НРК 10:10:10 (қопда)	1 580 000	—	0	0%
Азот-фосфор ўғит (қопда)	1 751 868	—	0	0%
Аммиак селитра "А" (қадоқланмаган)	1 442 518	—	0	0%
Аммофос 46:10 (қопда)	3 363 072	▼	-15 007	0%
Арматура 25 ст 35 ГС	5 484 382	▲	171	0,0%
Бетон қоришмаси БСТ В15 М-200 (куб.м)	380 000	—	0	0%
Қурилиш битуми БН 90/10	4 061 009	▲	42 569	1,1%
Дизель ёқилғиси	8 742 016	▲	182 292	2,1%
Дизель ёқилғиси ЭКО	8 283 831	▼	-559 122	-6,3%
Сундирилмаган оҳак 1-нав (қопда)	634 800	—	0	0%
Карбамид "А" (қадоқланмаган)	1 572 000	▲	503 780	47,2%
Квадрат 20 ст 0 СП	5 682 900	—	0	0%
Техник керосин	7 648 158	▲	305 041	4,2%
Озиқ-овқат сирка кислотаси, 70%	9 209 700	▲	2 769 348	43,0%
Нефть кокси	1 447 780	—	0	0%
Ем аралашмаси	1 198 223	▼	-35 767	-2,9%
Доира 100 ст 3 СП	5 636 843	▼	-3 003	-0,1%
Линт 1-нав тип Б (олий класс)	3 387 092	▲	63 161	1,9%
Линт 2-нав тип Б (олий класс)	2 762 999	▼	-80 471	-2,8%
Лист г.к 16,0x1500x6000 мм 3 сп пс 5	8 350 000	—	0	0%
Ўсимлик ёғи ПЭТ 1 л	9 045 718	▼	-492 393	-5,2%
Санот мойи И-50А	5 994 025	▼	-467 377	-7,2%
Мотор мойи DELCOR GTI SuperSAE15w40APICI-4 (литр)	26 200	—	0	0%
Писта ёғи	6 398 802	—	0	0%
Рупонли фольгасиз гидроизоляцияцион том ёпиш материали, ТПП қалинлиги 4 мм (қв.м)	4 000 000	—	0	0%
Мис ўрамаси	53 989 895	▼	-1 517 707	-2,7%
Бугдой уни, 1-нав	966 613	—	0	0%
Бугдой уни, олий нав	2 613 405	—	0	0%
Хўжалик совуни, 70% (дона)	2 807	▲	520	22,7%
Натрий бикарбонат – ош содаси, 1-нав (қопда)	3 367 612	▲	2 678	0,1%
Полипропилен J-550S	12 483 926	—	0	0%
Полиэтилен F-0120	13 978 306	▼	-59 733	-0,4%
Портландцемент ССПЦ М-400 Д20 (қопда)	536 770	—	143	0,03%
Сим 6,3 ст 3	7 653 439	▼	-5 960	-0,1%
Ем учун дон 3-класс	1 892 004	▼	-33 443	-1,7%
Ем учун дон 4-класс	1 988 521	▲	5 144	0,3%
Ем учун дон 5-класс	1 715 810	▼	-67 759	-3,8%
Шакар (импорт)	4 500 000	—	0	0%
Суюлтирилган газ	5 077 315	▼	-80 187	-1,6%
Мойли солидол смазка	12 600 000	▼	-400 000	-3,1%
Кальцийлаштирилган сода (қопда)	1 951 506	▲	459	0,02%
Техник туз	250 000	—	0	0%
Алюминий қотишмалари АК7	14 694 000	▲	148 436	1,0%
Пўлат тунука г.к 6x1500x6000	7 620 834	—	0	0%
Пўлат сим ВР-1 д 5мм	6 850 000	—	0	0%
Сайқалланган ойна М1-СВР қалинлиги 3,5 мм	20 132	▼	-538	-2,6%
Шиша банка 3 л (дона)	2 291	▼	-4	-0,2%
Сульфат аммоний (қадоқланмаган)	1 073 917	▲	82 925	8,4%
Калий сульфати (қадоқланмаган)	8 572 488	—	0	0%
Суперфосфат (қадоқланмаган)	802 400	—	0	0%
Труба 114x4 (метр)	86 254	—	0	0%
Пўлат квадрат труба 125x125-4,0 мм (метр)	119 995	—	0	0%
Бурчак 35 ст 3 СП	6 000 000	—	0	0%
Кўмир СССШ-13	325 109	▼	-47 486	-12,7%
Швеллер 12	8 890 000	—	0	0%
Пахта чигити шелухаси	1 576 147	▲	-52 977	-3,3%
Шифер 8 тўлқинли	32 000	▲	-4 000	-11,1%
Шрот (кунгабоқар)	1 655 999	—	0	0%
Шрот (соя)	3 674 389	▼	-828 168	-18,4%
Пахта чигити шрот (кунжараси)	2 319 591	▼	-128 709	-5,3%
Арпа	1 350 000	—	0	0%

* Маҳсулотлар котировкаси охири ҳафтадаги савдо натижалари асосида шакллантирилади. Ҳисобот ҳафтаси давомида биржа савдоларига қўйилмаган ёки сотилмаган товарлар учун котировка бўлиб ўтган охири савдолар натижалари асосида шакллантирилади.

Биржа листингини ўтказиш тартибига кўра, сўнгги 3 ойда товарга талаб бўлмаган, ушбу товар билан битимлар мунтазам тузилмаган тақдирда маҳсулот биржа котировка варағидан чиқарилади.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки томонидан
2018 йил 11 декабрдан бошлаб ўрнатилган
хорижий валюталарнинг сўмга
нисбатан расмий курси

Валюта номи	Курс	Курсдаги ўзгаришлар		
		динамика	(сўмда)	(%)
1 АҚШ доллари	8 312,64	▼	-2,21	-0,03%
1 Евро	9 456,46	▲	48,21	0,51%
1 Россия рубли	125,22	▲	1,37	1,11%
1 Англия фунт стерлинги	10 578,67	▼	-23,60	-0,22%
1 Япония иенаси	73,75	▲	0,47	0,64%
1 БАА дирхами	2 263,30	▼	-0,60	-0,03%
1 Афғонистон афғониси	110,03	▼	-0,10	-0,09%
1 Арманистон драми	17,19	▼	-0,01	-0,06%
1 Аргентина песоси	222,70	▲	2,18	0,99%
1 Австралия доллари	5 984,27	▼	-98,04	-1,61%
1 Озарбайжон манати	4 910,01	▼	-1,30	-0,03%
1 Бангладеш такаси	99,96	▲	1,79	1,82%
1 Болгария леви	4 839,40	▲	27,01	0,56%
1 Бахрайн динари	22 050,03	▼	-20,50	-0,09%
1 Бруней доллари	6 068,95	▲	5,91	0,10%
1 Бразилия реали	2 127,41	▼	-23,24	-1,08%
1 Беларусь рубли	3 907,23	▲	2,63	0,07%
1 Канада доллари	6 241,19	▼	-13,87	-0,22%
1 Швейцария франки	8 394,06	▲	68,39	0,82%
1 Хитой юани	1 209,41	▲	14,03	1,17%
1 Куба песоси	8 312,64	▼	-2,21	-0,03%
1 Чехия кронаси	366,13	▲	3,64	1,00%
1 Миср фунти	465,43	▼	-0,13	-0,03%
1 Грузия лариси	3 154,70	▲	40,52	1,30%
1 Венгрия форинти	29,29	▲	0,19	0,65%
1 Исроил шекели	2 227,69	▼	-10,67	-0,48%
1 Ҳиндистон рупийси	117,33	▼	-2,07	-1,73%
1 Эрон риали	0,20	—	0	0%
1 Қирғизистон соми	119,26	▼	-0,05	-0,04%
1 Жанубий Корея вони	7,40	▼	-0,03	-0,40%
1 Кувайт динари	27 376,63	▲	22,45	0,08%
1 Қозғистон тенгеси	22,44	▲	0,16	0,72%
1 Малайзия рингити	1 996,31	▲	8,06	0,41%
1 Польша злотийси	2 205,82	▲	12,68	0,58%
1 Сингапур доллари	6 069,39	▲	8,56	0,14%
1 Тожикистон сомони	882,34	▼	-0,81	-0,09%
1 Туркменистон манати	2 381,85	▼	-0,63	-0,03%
1 Янги турк лираси	1 567,86	▼	-27,53	-1,73%
1 Украина гривнаси	299,18	▲	4,11	1,39%
1 СДР	11 517,66	▲	16,31	0,14%

ЎЗРВБ савдоларида АҚШ долларининг
сўмга нисбатан ўрнатилган
курси динамикаси

Сана	курс	USD/UZS		
		динамика	ўзгариш	ўзгариш (%)
2018 й. 9 ноябрь	8272,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 12 ноябрь	8278,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 13 ноябрь	8271,0	▼	-7,00	-0,08%
2018 й. 14 ноябрь	8280,0	▲	9,00	0,11%
2018 й. 15 ноябрь	8276,0	▼	-4,00	-0,05%
2018 й. 16 ноябрь	8283,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 19 ноябрь	8291,0	▲	8,00	0,10%
2018 й. 20 ноябрь	8302,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 21 ноябрь	8297,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 22 ноябрь	8304,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 23 ноябрь	8305,0	▲	1,00	0,01%
2018 й. 26 ноябрь	8312,0	▲	7,00	0,08%
2018 й. 27 ноябрь	8318,0	▲	6,00	0,07%
2018 й. 28 ноябрь	8309,0	▼	-9,00	-0,11%
2018 й. 29 ноябрь	8319,0	▲	10,00	0,12%
2018 й. 30 ноябрь	8317,0	▼	-2,00	-0,02%
2018 й. 3 декабрь	8320,0	▲	3,00	0,04%
2018 й. 4 декабрь	8315,0	▼	-5,00	-0,06%
2018 й. 5 декабрь	8309,0	▼	-6,00	-0,07%
2018 й. 6 декабрь	8306,0	▼	-3,00	-0,04%
2018 й. 7 декабрь	8317,0	▲	11,00	0,13%
2018 й. 10 декабрь	8323,0	▲	6,00	0,07%

СТАТИСТИКА

Миллий валютадаги имтиёзли кредитлар бўйича банк фоиз ставкалари (ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари)







Жорий йилнинг октябрь ойида тижорат банкларининг имтиёзли кредитлар бўйича ўртача фоиз ставкалари миқдори 8 %ни ташкил этиб, ўтган ойга нисбатан 1,0%га ўсди. Қисқа мuddатли кредитлар фоиз ставкалари ҳам 0,9%га ўсиб, 5,7%ни ташкил этди. Ушбу сегментда энг юқори фоиз ставкалари март ойида 9,2% ва энг паст фоиз ставкаси май ойида 3,5% кўрсаткич билан қайд этилди. Узоқ мuddатли кредитлар бўйича ставкалар ҳам ўтган ойга нисбатан 1,3%га ўсиб, 8,6%ни ташкил этди. Шунини таъкидлаш жoзики, ушбу соҳадаги фоиз ставкаларининг энг юқори ва энг паст кўрсаткичи март ва май ойларида қайд этилди. Қисқа мuddатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари:

- 60 кунгача сезиларли даражада, яъни 9%га ошиб, 15,5%ни ташкил этди;
- 61 кундан 90 кунгача ҳам 1,7%га ўсиб, 11,6%га етди;
- 91 кундан 180 кунгача аксинча, 2,7%га камайиб, 8,0%ни ташкил этди;
- 181 кундан 365 кунгача қисқа мuddатли кредитлар ўтган ойга нисбатан 1,9%га ўсиб, 5,3%ни ташкил этди. Шу билан бирга, ушбу сегментдаги энг юқори фоизлар жорий йилнинг март ойида 9,4% кўрсаткич билан, энг паст кўрсаткич эса май ойида 3,2% билан кузатилди.

Узоқ мuddатли кредитларнинг фоиз ставкалари эса 1 йилдан 2 йилгача, 2 йилдан 3 йилгача ва 5 йилдан 10 йилгача бўлган кредитлардан ташқари ўсди. Хусусан, 1 йилдан 2 йилгача бўлган узоқ мuddатли кредитлар 0,3%га, 2 йилдан 3 йилгача 0,6%га, 5 йилдан 10 йилгача 0,5%га пасайди, 3 йилдан 4 йилгача бўлган кредитлар эса сезиларли даражада, яъни 10,4%га ўсди ва 12,5%ни ташкил этди. 4 йилдан 5 йилгача кредитлар 1,4%га, 10 йилдан юқори бўлган узоқ мuddатли кредитлар эса 0,4%га ўсди.

кредитлар тури ва мuddати	2018									
	Янв.	Фев.	Март	Апр.	Май	Июнь	Июль	Авг.	Сен.	Окт.
Барча кредитлар бўйича	7,0	8,2	8,8	5,5	6,6	6,5	7,3	6,4	7,0	8,0
<i>шундан:</i>										
Қисқа мuddатли кредитлар	5,5	7,0	9,2	5,0	3,5	4,4	3,6	3,9	4,8	5,7
- 60 кунгача	6,4	6,5	5,4	6,5	6,5	6,5	6,5		6,5	15,5
- 61 кундан 90 кунгача	11,3	10,5	10,5	9,6	9,8	11,0	10,5	11,7	9,9	11,6
- 91 кундан 180 кунгача	7,3	2,8	3,2	7,8	8,4	4,5	3,5	10,0	10,7	8,0
- 181 кундан 365 кунгача	5,4	7,0	9,4	4,5	3,2	3,6	3,3	3,6	3,4	5,3
Узоқ мuddатли кредитлар	7,3	8,4	8,8	5,6	6,9	7,0	7,7	6,6	7,3	8,6
- 1 йилдан 2 йилгача	9,3	7,0	8,2	4,0	4,0	4,6	4,9	4,8	9,2	8,9
- 2 йилдан 3 йилгача	11,6	11,8	10,5	7,9	7,5	7,8	7,4	8,7	8,2	7,6
- 3 йилдан 4 йилгача	12,3	12,3	11,8	9,6	10,4	9,6	9,7	11,5	2,1	12,5
- 4 йилдан 5 йилгача	12,5	11,1	12,3	11,7	12,1	12,9	11,5	12,2	9,3	10,7
- 5 йилдан 6 йилгача	5,7	8,2	12,7	11,1	13,3	12,2	12,3	12,2	12,6	12,1
- 10 йилдан ортиқ	8,9	11,4	9,1	7,8	6,9	8,9	7,5	6,1	6,7	7,0

Хорижий валютадаги кредитлар бўйича банк фоиз ставкалари (ҳисобланган ўртача йиллик фоиз ставкалари)



2018 йилнинг октябрь ойида халқаро валютадаги тижорат банкларининг ўртача фоиз ставкалари 5,9 %ни ташкил этиб, ўтган ой билан қиёслаганда 0,4 %га тушди. Қисқа мuddатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари 1,7 %га ошиб, 9,0 %ни ташкил этди. Узоқ мuddатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари аксинча, ўтган ойга нисбатан 0,3% га камайиб, 5,8 %ни ташкил этди. Қисқа мuddатли кредитлар бўйича фоиз ставкалари:

- 91 кундан 180 кунгача бўлган кредитлар ўтган ойга нисбатан ўзгаришсиз қолди ва 10,5 %ни ташкил этди;
- 181 кундан 365 кунгача бўлган кредитлар эса ўтган ойга нисбатан 1,8 %га ўсиб, 9,0 %ни ташкил этди.

Мазкур йўналишдаги энг юқори фоиз ставкаси жорий йилнинг апрель ойида 11,1 % кўрсаткич билан, энг паст кўрсаткич эса январь ойида 6,2 % кўрсаткич билан қайд этилди.

Узоқ мuddатли кредитларнинг барча йўналишлар бўйича фоиз ставкалари 1 йилдан 2 йилгача ва 10 йилдан юқори кредит фоиз ставкаларидан ташқари пасайди. 1 йилдан 2 йилгача бўлган узоқ мuddатли кредитлар фоиз ставкалари 0,7%га, 10 йилдан юқориси эса 0,5% га ўсди. 2 йилдан 3 йилгача бўлгани 1,4 %га, 3 йилдан 4 йилгача 1,0 %га, 4 йилдан 5 йилгача 0,3 %га, 5 йилдан 10 йилгача эса 0,1 %га пасайди.

Худудлардаги корхоналарнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани ва барқарор ишлаши учун зарур имкониятлар яратиб берилаётгани ишлаб чиқариш ҳажмининг ортишига хизмат қилмоқда. Буни Қашқадарё вилоятининг Қарши шаҳрида фаолият кўрсатаётган "Biss electronics system" масъулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам куриш мумкин.

ҚАРШИДА ТЕЛЕВИЗОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ЙЎЛГА ҚЎЙИЛДИ



панияси ва "Biss electronics system" масъулияти чекланган жамияти томонидан шу кунга қадар 8 000 дона телевизор ишлаб чиқарилди.

Корхона йилига 25 минг дона телевизор ишлаб чиқариш қувватига эга. Маҳсулотлар ички бозор талабини қондиришдан ташқари келажакда экспортга йўналтирилиши мумкин. Корхонада яратилган янги иш ўринларининг аксариятини касб-хунар коллежларини битирган ёш мутахассислар банд этди.

– Президентимиз томонидан берилган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида янги корхонамиз замонавий телевизорларни ишлаб чиқаришни

2017 йилнинг 24-25 февраль кунлари Президентимиз Шавкат Мирзиёев жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши билан танишиш ҳамда халқ билан мулоқот қилиш мақсадида Қашқадарё вилоятига ташриф буюрган эди. Ташриф чоғида Юртбошимиз аҳолининг маиший техникалар билан таъминлангани унинг турмуш даражасининг асосий кўрсаткичларидан бири эканини алоҳида таъкидлаган эди.

Шундан келиб чиққан ҳолда Вазирлар Маҳкамасининг 2017 йил 17 июлдаги 774-сонли қарори асосида Қарши шаҳрида "Biss electronics system" МЧЖ томонидан телевизорлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

Маҳсулотларни дунё бозорига олиб чиқиш, "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" бренди остида экспортбоп маҳсулотларни тайёрлаш, энг аввало, ички бозор талабларини қондириш мақсадида "Ўзэлтехсаноат" акциядорлик ком-

паниясига қўйди. – дейди корхона раҳбари С. Гайбуллаев. – Маҳсулотга ҳозирданоқ талаб юқори бўлмоқда. Корхона тўла қувват билан ишлаб бoшлагач, маҳсулотнинг асосий қисми экспортга йўналтирилади. Бундан ташқари, ишлаб чиқариш тармоғи ҳам кенгайтирилади. Келгусида корхона фаолиятини янада кенгайтириш орқали аҳолини арзон ҳамда сифатли дори маҳсулотлари билан таъминлаш, иш ўринларини кўпайтириш режалаштирилган.

Хорижнинг энг замонавий технологик линиялари билан жиҳозланган корхонада бугун лойиҳанинг кейинги босқичини ҳаётга татбиқ этиш устида иш олиб бoриляпти. Бу импорт ўрнини босувчи тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришни бир неча баробар ошириш, ички бозорни арзон ва юқори сифатли маиший техника воситалари билан тўлдиришга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

finance.uz

“МИКРОКРЕДИТБАНК” СТОЛ ТЕННИСИ БЎЙИЧА МУСОБАҚА ЎТКАЗДИ

Пойтахтимиздаги "INTEGRO" мажмуасида "Микрокредитбанк" АТБ ходимлари ўртасида стол тенниси бўйича мусобақанинг республика босқичи ўтказилди.



Мазкур турнирда банкнинг Марказий аппарати, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда барча вилоят филиалларидан жамоалар иштирок этди. Мусобақа шартига кўра ҳар бир жамоа таркибидан уч нафардан иштирокчи бўлиб, жами 42 нафар банк ходими голиблик учун баҳс олиб борди.

Маълумки, дунёда спорт – дўстлик, тинчлик ва бирдамлик рамзи, дея эътироф этилади. Банк тизимида бу каби спорт мусобақаларининг тез-тез ўтказилиши эса нафақат жамоада жисмоний тарбия ва соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга, балки ҳамкасблар ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлик ва дўстона муносабатларнинг шаклланишига, ёш иқтидор эгаларини янги марралар сари руҳлантиришга ҳам хизмат қилади.

Икки кун мобайнида давом этган мусобақа уйинлари қизгин ва мurosасиз кечди. Банкнинг Республика аппарати жамоаси биринчи, Қорақалпоғистон Республикаси филиали жамоаси иккинчи, Амалиёт бошқармаси жамоаси эса фахрли учинчи ўринни эгаллади.

Ғолибларга банк раҳбарияти томонидан кубок, медаллар ва эсдалик совғалари топширилди.

finance.uz

ОБУНА КАМПАНИЯСИ-2019

Обуначилар диққатига!

• Обунани фақат "Банк ахборотномаси" газетаси билан шартнома тузган дистрибьютор-ташкilotлар орқали расмийлаштиринг.

• Таҳририят бугунги кунда қуйидагилар билан шартнома имзолаган:

ТАРҚАТУВЧИ ТАШКИЛОТЛАР:

- ▶ "Ўзбекистон почтаси";
- ▶ "Матбуот тарқатувчи" агентликлари.

ХУСУСИЙ КОМПАНИЯЛАР:

- ▶ "SAYYOR 2017" МЧЖ;
- ▶ "GRAND INTER MEDIA" МЧЖ;
- ▶ "SHA-GAY PRESS SERVIS" МЧЖ;
- ▶ "Matbuot Servis" МЧЖ;
- ▶ "Matbuotchi" МЧЖ;
- ▶ "SURXON MATBUOT NASHRLARI" МЧЖ;
- ▶ "KALEON INFORM" МЧЖ;
- ▶ "MATBUOT TONGI" МЧЖ.

• Қулай бўлиши учун сиз нашримизнинг расмий сайти – www.banknews.uz дан тўғридан-тўғри обуна шартномасининг имзоланган шаклини юклаб олишингиз ва тўлдириб, таҳририятимиз манзилига юборишингиз мумкин.



ОБУНА-2019

БОЗОРНИ
ТЎЛАҚОНЛИ
ИДРОК ЭТИШ
ИМКОНИЯТИ



Обуна бўйича мурожаат учун:

Тел.: (998) 71 232-45-32, 71 233-45-16.

Факс: (998) 71 232-43-98.

E-mail: info@banknews.uz

Обуна индекси – 102.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

"Norma Hamkor" МЧЖ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Р.О.ОХУНОВ

Нашр учун масъул

Б. МУҲАММАДИЕВ

ЧОП ЭТИШГА ТАЙЁРЛОВЧИ

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

Газета таҳририятининг
техник ускуналарида саҳифаланди.

АХБОРОТ КЎМАГИ

ЎЗА, "Туркистон-пресс" НАО

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100060, Тошкент ш.,

Шаҳрисабз кўчаси, 23-уй.

e-mail: info@banknews.uz,

www.banknews.uz

Реклама ва эълонлар учун
71 232-45-32 телефони
орқали мурожаат қилинг.
Факс: 71 232-43-98.

Нашр индекси – 102.

Таҳририятнинг фақат ёзма розилиги билан "Банк ахборотномаси" да эълон қилинган материалларни кўчириб босишга ижозат берилади. Қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва қайтарилмайди.

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 2012 йил 10 январда 0065-тартиб рақами билан рўйхатга олинган.

Газета ҳафтада бир марта пайшанба кунини чиқади.

Буюртма № г 1289.
Адади 3054 нусха.

Нархи шартнома асосида.

Газета А3 ҳажмида, 3 шартли босма табақда чоп этилди.

Босишга рухсат этилди: 12.12.2018 й., 9.00.

1 2 3 4 5 6